

Ибрат олинг



08:51 / 08.04.2020 2104

Ибн Исҳоқ айтади: «Абдурраҳмон ибн Асвад Нахаъий ҳаж қилиб, қайтиб келди. Сўнг унинг бир оёғи ишламай қолди. Нахаъий тонггача бир оёқда намоз ўқиб чиқди».

Аллоҳ мени ислоҳ қилсин

Суфён Саврий раҳматуллоҳи алайҳ айтадилар: «Бир киши Умар ибн Абдулазизга: «Аллоҳ сизни боқий қолдирсин», деди. Умар ибн Абдулазиз бундан кўрқиб кетди ва: «Аллоҳ мени ислоҳ қилишини сўраб дуо қил», дедилар».

Кўзни тийиш

Вакийъ раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Ҳайит куни Суфён Саврий билан кўчага чиқдик. Шунда у: «Бугун энг биринчи қиладиган ишимиз кўзни

пастга қаратишдир», деди».

«Солиҳлар гулшани» китобидан